

Шахсий келишмовчилик туфайли баданга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракат суд томонидан безорилик жинояти сифатида нотўғри квалификация қилинган.

Самарқанд туман суди томонидан Н. Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан судланган.

Иш кассация инстанция судида кўрилиб, ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ҳукмга кўра, Н. 2002 йил 3 январь куни соат 12 ларда кўчада К. билан ўзаро жанжаллашиб, уни ҳақоратлаб, қўлини қайириб, унга ўртача оғирликда шикаст етказганликда айбли деб топилган.

Самарқанд вилоят суди раёсати 2003 йил 27 февралда ҳукмни ўзгартириб, Н.нинг ҳаракатларини ЖК. 277-моддаси 2-қисмининг «а» бандидан 105-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилган.

Иш ҳолатларидан кўринишича, Н. ва жабрланувчи К.лар ўртасида 5000 сўм қарз юзасидан илгаридан келишмовчилик бўлиб, воқеа содир этилган кундаги жанжал ҳам шу асосда келиб чиққан. Бундан ташқари К. қўлидаги сетка билан юзига ургандан сўнггина, Н. К.нинг қўлини қайириб, унга тан жароҳати етказган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 13-бандида таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз ҳатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозимлиги кўрсатилган.

Вилоят судининг раёсати юқорида келтирилган қарорга таянган ҳолда тўғри қарор қабул қилган.

4-П-14-сонли қарор